БАҒРИКЕНГЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХУСУСИЯТ 2-бет

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ 3-бет

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИСИЗ? 4-5-бетлар

«ПАХТАКОР» ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ҒОЛИБИ 8-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 42 (10.347) | 2005 ЙИЛ 2 МАРТ

*Кўргазмалар*



КЕЧА «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмалар марказида иккита кўргазма — «Қурилиш ва интерьер, иситиш воситалари ва вентиляция —UzBild 2005» 6-халқаро кўргазмаси ҳамда «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари — Mebel Expo Uzbekistan— -2005» 2-халқаро кўргазмасининг очилиши билан мамлакатимизда жорий йилги халқаро кўргазмалар мавсуми бошланди.

## ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕБЕЛЛАР

Ушбу кенг кўламдаги кўргазмаларнинг ташкилотчилари сифатида Буюк Британиянинг ITE group PLC ҳам ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компаниялари чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Савдо-саноат палатаси, «Файз» холдинг компанияси ва бошқа ташкилотлар унинг қўллаб-қувватловчилари бўлишди.



Ўн тўрт мамлакатдан 60 дан ортиқ компаниянинг иштирок этиши «UzBild-2005» қурилиш кўргазмасининг нақадар кўлами кенглиги, таклиф этилаётган маҳсулотларнинг бойлигидан далолат беради. Ушбу кўргазмага қўйилган замонавий қурилиш, иситиш ва вентиляция анжомлари — қурилиш ва пардозлаш материаллари, ойналар, эшиклар, витражлар, керамика, сантехника, электротехника, сауналар, бетон, черепица, ғишт ишлаб чиқаришга йўналтирилган асбоб-ускуналар ҳамда технологиялар билан танишар экансиз, Буюк Британия, Германия, Финляндия ва Туркия сингари мамлакатлар компанияларининг фаол иштирокини кўрамиз. Кўргазмага қўйилган юртимизда тайёрланаётган сифати хорижникидан қолишмайдиган маҳсулотлар ҳам мутахассислар эътиборини тортмоқда.

«Mebel Expo Uzbekistan — 2005» кўргазмасидан ҳам хориж мамлакатларининг 20 га яқин етакчи компанияларининг янги дизайндаги, пишиқ ва чиройли маҳсулотлари ўрин олган. Қувонарли томони шундаки, ушбу кўргазмага кўпроқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар қўйилган. Энг муҳими, кўргазмага қўйилган намуналарга назар ташлар экансиз, мамлакатимизда тайёрланган, кўрган кўзни қувнатувчи шкафлар, ётоққа мўлжалланган ва юмшоқ мебеллар, офис анжомлари, пардалар, жалюзиларнинг сифати хорижникидан асло қолишмаслиги, нархи эса анча арзон эканлигига гувоҳ бўласиз.

Қурилиш ва мебель саноати замонавий йўналишларни ўзида акс эттирган ҳар иккала кўргазма давомида ўзаро манфаатли асосларда ҳамкорлик юзасидан шартномалар имзоланмоқда, ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: «Экспомарказ» савдо-кўргазмалар маркази марказий павильонида фаолият кўрсатаётган халқаро кўргазмалардан ўрин олган замонавий маҳсулотлар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар.**

---

### ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежида мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалла гузарида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликарида уюштирилган «Уч авлод» учрашувида тумандаги фахрий аёллар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Сергели туман Қўшимча таълим марказида тумандаги фаол аёллар иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Аёл— менинг ниҳогимда» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни 118-мактабда Яккасарой туман мактаблари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Сен қонунни биласанми?» мавзуидаги кўрик-танловнинг финал босқичи «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

### 2005 ЙИЛ 5 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2005 ЙИЛ 7 МАРТ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 28 февраль*

---

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш йўлидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат эканига алоҳида эътиборни қаратди.**

Ана шу эзгу мақсадлар замирида мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзловчи «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили мужассамдир. Бу эса авваламбор марказий ҳокимият ваколатларининг муайян қисмини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга солиш ва янгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Айни пайтда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ва ваколатларини амалда янада кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳволи ва истиқболлари» мавзуида ўтказилган семинарда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидовнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш», республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоевнинг «Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш амалиёти, муносабат механизмлари ва муаммолари» мавзуидаги маърузалари тингланди.

**ЎзА**

---

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Фарғона вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.**

● **Урганчда Хоразм вилоят фаолларининг йиғилиши ўтказилди. Унда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

● **Ўзбек-япон марказида Кунчиқар мамлакатнинг миллий байрамларидан бири — «Қизлар байрами» бўлиб ўтди.**

● **«Ғаллабанк»нинг Навоий вилоят минтақавий филиали Қизилтепа туманидаги Ўртачўл мавзесида Ҳамза ва Ўртачўл минибанк шохобчаларини очди.**

● **Марҳамат тумани Юламатол қишлоғида янги қишлоқ шифокорлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шифокорлик пункти биносида 12 та хона бўлиб, кундузги стационар, физиотерапия хоналари ва дорихона жойлашган.**

● **Жиззахда фольклор жамоалари ва халқ ҳунармандларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоят туманларидан келган оқинлар, бахши-шоирлар ўз қўшиқлари, айтишувлари билан беллашдилар.**

### Жаҳонда

● **АҚШ ва Афғонистон ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган битимни имзолайдилар. Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай вакилининг айтишича, ҳозирда ҳар иккала томон зарур деталларни мувофиқлаштирмоқда.**

● **БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Тель-Авив шаҳрида ўтган ҳафтада амалга оширилган террорчилик ҳаракатини қоралади ва исроиллик ҳамда фаластинликларни музокараларни бошлашга чақирди.**

● **Тез орада Япония маъмурлари мамлакатда ягона оптик толали тармоқни ташкил этадилар. Бу тармоқдан атом объектларидаги турли ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар келиб туради.**

● **Миср пойтахти Қоҳирада микроавтобус ва юк ташувчи машинанинг ўзаро тўқнашуви натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди, 11 нафар йўловчи жиддий жароҳатланди.**

● **Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши курашувчи халқаро битим кучга кирди. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан йўлга қўйилган мазкур битимга 168 та давлат имзо чекди.**

*Иқтисодиёт*

## МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Азалдан бунёдкор бўлган халқимизни сифатли, кўркам, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида «STONE» масъулияти чекланган жамияти жамоаси баракали меҳнат қилмоқда.**

Мазкур корхонанинг 50 нафар ўз касбини эъзозловчи ишчи-хизматчилари буюртмачилар сафи кенгайишига эришмоқда. Чунки бу ерда манзарали плиталар тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади, оқ цемент ҳамда мармар кукунидан Италия давлатининг жаҳонга машҳур фирмасининг замонавий дастгоҳ ва ускуналари ёрдамида рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланиб, мижозлар мамнун этилмоқда.

Эътиборли томони, мижозларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда буюртмалар лойиҳаланиб, дизайнчилар томонидан ишланмалар тайёрланади-да, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, жамиятнинг махсус гуруҳи жойларга чиқиб, иш ниҳоясига етказилади.

Юртимиздаги кўплаб етакчи қурилиш ташкилотлари, кичик бизнес корхоналари, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектлари жамиятнинг буюртмачилари ҳисобланишади. «Toshkent-Plaza» савдо уйи, «Автотеххизмат» хусусий фирмаси, Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги ўқув масканлари ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бундан ташқари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ҳам жамиятга қарашли «Савдо уйи» фаолият юритмоқда. Айни кунларда эса россияликлар билан ҳам ҳамкорлик ҳақидаги шартнома лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда.

## ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

**Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган уста ҳунарманд Миролим Файзиев ёш бўлишига қарамай изланиши, янгиликка ўчлиги, ташаббускорлиги туфайли яхши натижаларга эришмоқда.**

Икки йилдан буён туман миқёсида ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ўзининг маҳсулотлари билан қатнашиб келаётган Миролим ўз устида тинмай ишламоқда. Бугунги кунга келиб ҳунарманд 25 турга яқин бир-биридан чиройли, ранг-баранг шакл ва шамойилдаги ёдгорлик буюмларини тайёрламоқда. Улар асосан «Сайилгоҳ»да, ёдгорлик дўконларида, меҳмонхоналар, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси дўконларида сотилмоқда.

Эътиборли томони, ҳунарманд ёшларга ҳам ўз ҳунарининг сир-асрорларини эринмай ўргатиб, иқтидорли шогирдлар тайёрламоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Фармон ижроси йўлида*

## ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

**Халқимиз азал-азалдан бир-бирига меҳрли, эътиборли, бошига мусибат тушганда беминнат ёрдам бера олган, дардига дармон, ёнида суянчиқ бўлган, инсонийликнинг энг улуғ фазилатларига эга бўлган эл.**

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, бу эзгу фазилат янада ривож топди, инсон шаъни, ор-номуси ва манфаатлари биринчи ўринга қўйилди. Айниқса инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга нисбатан бағрикенглик қилишда Юртбошимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга. Юртимиз мустақилликка юз тутганидан буён мазкур Фармон кўп маротаба эълон қилинди. Инсон манфаатлари ва қадри ҳар нарсадан устун қўйилиб, кечиримлилик билан эълон қилинган умумий авф туфайли қанчадан-қанча фуқаролар ўз оиласи бағрига қайтди, қанчаларининг эса жазо муддатлари қисқартирилди, қисқа қилиб айтганда ота фарзанди билан, фарзандлар эса ота-оналари билан эртароқ кўришишга муяссар бўлдилар, кўплаб маҳкумларнинг гуноҳлари кечирилди.

Хусусан Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан сўнг кўплаб ватандошларимиз оиласи бағрига қайтиб, давлатимиз томонидан хатоларини тўғри англаб, жамиятда ўз ўринларини топиш учун берилган имкониятдан фойдаланишга муяссар бўлдилар. Жумладан шу кунга қадар Шайхонтоҳур туманида яшовчи 63 нафар фуқаролар ҳам муддатидан илгари жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилди. Оиласига қайтган барча фуқароларнинг қисқа фурсат ичида паспорт олиш, рўйхатга туриш, касалликка чалинганларни эса даволаниши ва ишга жойлашиши учун туман ички ишлар бошқармаси, маҳалла ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

— Бу масалаларни имкон даражасида тез ва ижобий ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими қошидаги «Посбон» маркази раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари ва сардорларининг амалий ёрдамлари катта бўлмоқда, — дейди туман «Посбон» маркази раиси Жуманазар Жонибеков. — Озод этилганларнинг барчасини маънавий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида туман «Ижтимоий мослашув» маркази томонидан 2 миллион 300 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 34 нафар фуқарони ишга жойлаштириш ва 2 нафар вояга етмаганларни ўқишга киришига амалий ёрдам кўрсатилди.

Юртбошимиз Фармони ижросини таъминлаш борасида туман ички ишлар бошқармаси, «Посбон» маркази, «Ижтимоий мослашув» маркази ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кўрсатилаётган беғараз амалий ёрдамлар озод этилганларнинг ҳаётга тезроқ мослашишлари, келгусида ҳалол меҳнат қилиб юртимиз равнақи ва тинчлигини сақлашга ҳисса қўшишларини таъминлашга хизмат қилади.

Тумандаги Саргузашт кўчаси, 47-уйда яшовчи Бахтиёр Султонов ва Улфат кўчаси, 28-уйда яшовчи Файзулла Мирҳамидовлар ҳам амнистия туфайли оиласи бағрини тўлдирган ҳамюртларимиздандир. Улар Президентимиз ва давлатимиз томонидан кўрсатилган ушбу бағрикенгликни умрбод эсдан чиқармасликларини, хатоларини тушуниб етганликларини, келгусида жамиятга керакли инсонлар қаторидан ўрин олиб, фарзандларини ҳам ватанпарвар қилиб вояга етказишларини айтишмоқда.

Дарҳақиқат, қандайдир жиноятга билиб-билмай қўл урган кишиларга берилган озгина мадад ҳам маълум маънода уларнинг ҳаётларида бурилиш юз беришига, яхши томонга ўзгаришига сабаб бўлади. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, инсон манфаатларини устун қўйиш сиёсатимизнинг бош омили экан бу борада олиб борилаётган ишлар давом этаверади. Инсон қадри улуғ, ана шу қадрнинг камситилмаслиги эса ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, умумий авф туфайли жазодан озод этилган ҳар бир юртдошимизнинг қайтадан жиноятга қўл урмаслиги, тўғри йўлга киришлари уларнинг ўзларига, виждонларига ҳавола. Шу тупроқ, шу она-юрт менинг Ватаним, унга муносиб фарзанд бўлиш, инсон бўлиб дунёга келгандан сўнг инсонлардек яшаш керак деган эзгу ният ҳаётимиз мезонига айлансин деб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**





*Ёшлар — келажагимиз*

## ЯНГИ ЁТОҚХОНА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири — келажагимиз бунёдкорлари, эртамиз давомчилари бўлмиш ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Бинобарин, ҳозирда ёшларимизнинг маънавий-маърифий камолоти, соғлом ўсишлари йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, барча қулайликлар, шарт-шароитларга эга бўлган замонавий коллежлар, лицей ва мактаблар қурилмоқда.**

Яқинда Талабалар шаҳарчасида яна бир кўркам иншоотнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тошкент Давлат техника университети талабалари учун 432 ўринга мўлжалланган 72«а» сонли янги ётоқхона фойдаланишга топширилди.

— Ушбу ётоқхонани бунёд этишда ҳомий ташкилотлар ва университет ҳисобидан 230 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди Тошкент Давлат техника университетига қарашли Талабалар уйларининг дирекцияси раҳбари Исмоил Тошбоев. — Шундан 190 миллион сўм реконструкция учун, 40 миллион сўм хоналарни жиҳозлашга ишлатилди. Талабаларнинг шодлигига биз ҳам тенг шерикмиз. Зеро, келажагимиз давомчилари шу ёш авлоддир.

Дарҳақиқат, ётоқхона барча замонавий жиҳозлар, энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан ҳам таъминланди. Ошхона, кутубхона, дам олиш хоналари туну кун ёшлар хизматига тайёр.

— Бу бинонинг шундай кўркам ҳолда қад ростлашида "Телос" қурилиш бригадаси ишчи-ходимларининг хизматлари беқиёс, — дейди Тошкент Давлат техника университетига қарашли Талабалар уйлари дирекцияси раҳбарининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Баҳриддин Холмирзаев. — Шу бригаданинг бошлиғи Александр Белов ва унинг 50 нафар малакали ишчилари 7-8 ой ичида бинони фойдаланишга топширишди.

Ҳа, янги ётоқхона ёшларнинг яшашлари, маданий дам олишлари учун хизмат қилади. Биз тўлқинланиб турган талабаларни ҳам суҳбатга тортдик.

— Мен Тошкент Давлат техника университетининг 1-босқич талабасиман. Ўтган йили грант асосида ўқишга қабул қилиндим,— дейди Сардор Ёдгоров. — Бугун шодлигимизнинг чеки йўқ. Сабаби янги ётоқхона биз ёшларга тақдим қилинди. Фурсатдан фойдаланиб шу ерда таълим олаётган барча талабалар ва курсдошларим номидан бунёдкорлар ва мутасаддиларга раҳматлар айтаман. Ниятимиз— чуқур билим эгаллаб, келажакда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш.

Ётоқхонанинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ишонамизки, ёшлар ўз интилишлари ва изланишлари йўлида эзгу мақсад билан мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, равнақ топиши учун ўз улушларини қўшишади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА,**

**СУРАТЛАРДА: янги ётоқхона мана шундай қулайликларга эга.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**



*Санъат*

## ЯНГИ СЕРИАЛ

**Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинаётган телесериаллар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. “Ўзбектелефильм” студияси ижодий жамоаси томонидан яратилган кўп қисмли фильмларга бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда.**

Томошабинлар яқин орада яна янги сериал билан танишиш имкониятига эга бўладилар. “Муҳаббат фариштаси” деган номда экранларга чиқариладиган бу янги телефильмни суратга олиш жараёнлари давом этмоқда.

Мазкур сериал йигирма қисмдан иборат бўлади. Ҳозир уларнинг деярли ярми тасвирга тушириб бўлинди.

Истеъдодли кинорежиссёр Нуриддин Қосимов бошчилигида экран юзини кўрадиган “Муҳаббат фариштаси” Назар Эшонқулов сценарийси асосида постановка қилинмоқда.

## МИНОРАЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

**Тошкент телевизион минораси салобати билан кўпчилик эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ана шу улкан иншоот ўзининг музейига ҳам эга.**

Унда бутунжаҳон буюк телеминораларнинг мўъжаз макетлари асосий экспонатлар янглиғ намойиш қилинмоқда. Мазкур экспозиция ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм суратга олинди.

Бор-йўғи 15 дақиқа давом этадиган мазкур экран асари орқали томошабинлар жаҳоннинг буюк миноралари тўғрисида бой маълумотга эга бўладилар. Янги фильмнинг тақдимоти Англияда бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕК САНЪАТКОРИГА КАТТА ИШОНЧ

**“Аббос” ижодий гуруҳи концерт дастурлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимов бадиий раҳбарлик қилаётган мазкур ансамбль моҳир доирачи, карнайчи ва сурнайчилардан ташкил топган бўлиб, чет элларда ҳам танилиб бормоқда.**

Ансамблнинг Хитой Тайпейи мамлакати фольклор мусиқаси санъаткорлари билан ҳамкорлиги ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Бундай яқин алоқа туфайли Хитой Тайпейининг Нан Хуа университетида доирачилар студияси юзага келди.

Аббос Қосимов ана шу студия машғулотларини олиб бориш учун бу мамлакатга бир неча бор ижодий сафар қилмоқда. Олий ўқув юрти ректорати бу хизматларини тақдирлаб унга профессорлик унвонини берди.

**Акбар АЛИЕВ**







*Анжуманлар*

## АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек халқимиз маънавияти ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган сиймолардан саналади. Ҳозирда мамлакатимизнинг турли гўшаларида Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб анжуманлар, қизиқарли учрашувлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.**

Мирзо Улуғбек туманидаги Содиқ Азимов номидаги 64-ўрта мактабда ҳам яқинда Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамда туман Ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги 34 та мактабнинг ўқувчилари иштирок этишди.



Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб Ойбек билан ўтказган дамлари, қизғин суҳбатлари тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Шунингдек, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимининг раҳбари Ҳалима Жуманиёзова ва бошқалар ҳам Ойбекнинг серқирра ижодини ўрганиш, «Навоий», «Болалик» сингари асарлари билан яқиндан танишиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ушбу анжуманда иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчилар адиб хотирасига бағишланган кўргазмалар, деворий газеталар ҳамда матбуотда чоп этилган мақолалар, болаларнинг ижодий ишларидан намуналарни намойиш этдилар. Ўқувчилар Ойбек қаламига мансуб саҳна асарларидан кўринишлар ижро этиб, шеърларидан намуналар ўқидилар. Дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз бағишлади. Тадбир сўнгида фаол иштирок этган мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: 64-ўрта мактабда Ойбек таваллудига бағишлаб ўтказилган тадбирдан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар.**

*Тадбирлар*

## КУТУБХОНАДА ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

**Мамлакатимиз келажагини билимли, зукко ақлли, доно болаларга ишониб топширсаккина эртамиз янада фаровон бўлади. Албатта, бола тарбиясининг қай даражада шаклланиши биз катталарга боғлиқ эканлиги кундек равшан. Шу боисми, ҳар бир маҳаллада, ўқув масканларида, корхона-ташкилотларда фарзандларимиз тарбиясининг муҳим омилларига бағишланган тадбирлар ўтказиб келиняпти.**

Бектемир тумани Марказий кутубхонасида эса бу каби тадбирларни уюштириш одатий ҳолга айланган.

Куни кеча мазкур зиё масканида китобхонлар, “Бектемир” маҳалласи фаоллари иштирокида бўлиб ўтган манавий-маърифий тадбир фикримизга яққол далил бўла олади. “Бола бошидан” деб номланган мазкур тадбирда иштирок этганлар бола тарбиясида катталарнинг, айниқса ота-онанинг, оила аъзоларию ўқитувчилар, қолаверса маҳалла аҳлининг аҳамияти беқиёс эканлигига эътиборни қаратишди.

— Ростгўйлик инсон камолотини белгиловчи юксак фазилатлардан биридир, — деди Марказий кутубхона ўқув залининг раҳбари Тожинисо Имомсаидова бу ҳақда фикр юритар экан. — Чунки фарзанд тарбияни энг аввал ота-онасидан, кейин эса оила аъзоларидан олади. Агар биз фарзандларимизга болалик чоғларидан юксак фазилатларни, эзгулик уруғларини сингдира олмасак, барча уринишларимиз бекор кетади. Бирор марта болага ваъда бериб бажармадикми, уларни ёлғонга, хиёнатга етаклаган бўламиз. Энг аввало боланинг ўзига бўлган ишончи йўқолса, қолган ҳаракат зое кетди деяверинг.

Шунингдек, “Бектемир” маҳалласи оқсоқоли Исмоил Ориповнинг лафзи ҳалолликни болалар онгига сингдиришда маҳалланинг ўрни ҳақидаги фикрлари йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Қизиқарли кечган ушбу мулоқотда иштирок этган ёш китобхонлардан Ақида Жалолова, Элнора Ражаббоева, Ҳуррият Носирова ва Саодат Валломатовалар юқоридаги фикрларга муносабат билдирар эканлар, ёшларнинг тарбиясида ҳунарнинг ўрни катта эканлигини таъкидлашди. Шу сабабдан ҳам ўқув масканларида ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатадиган тўгаракларнинг фаолиятини янада яхшилаш лозим.

Баҳсу мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган ушбу тадбир йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

**Собир Раҳимов туманидаги 3-туғуруқ мажмуасида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Республика репродуктив саломатлик маркази ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида “Соғлом она — соғлом бола” мавзуида анжуман ўтказилди.**

Маълумки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш мақсадида кўпгина амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада эса давлат ташкилотлари қаторида нодавлат-нотижорат ташкилот ва жамғармалар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Жумладан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан “Сиҳат-саломатлик йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра Тошкент шаҳридаги туғруқ мажмуаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган. Анжуманда аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, келажагимиз бўлган болаларни соғлом ва бақувват қилиб вояга етказиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишланди.

Учрашувда малакали мутахассислар томонидан аёлларга соғлом авлод келажак пойдевори, чақалоқни тўғри парвариш қилиш ва овқатлантириш масалалари юзасидан фойдали маслаҳатлар берилди. Шунингдек, болани тўғри парваришлаш мўлжалланган ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Тадбирда яқинлашиб келаётган хотин-қизлар байрами муносабати билан аёлларга байрам совғалари топширилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА, “Туркистон-пресс”.**

## «БУНЁДКОР» ЁШЛАР ТЕЛЕКЛУБИ УЧ ЁШДА

**Тошкентда “Бунёдкор” ёшлар телеклубининг ташкил этилганлигининг уч йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.**

Бундан уч йил муқаддам Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ва Ёшлар телеканали томонидан “Бунёдкор ёшлар” телеклуби ташкил этилган эди. Шу пайтгача телеклуб томонидан турли давра суҳбатлари, тадбирлар ва учрашувлар ўтказилди. Бугунги кунга келиб телеклуб аъзоларининг сони 500 тага етди.

Мазкур телеклуб эркин фикрли, илғор ва фидоий ёшларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланади. Телеклубни ташкил этишдан асосий мақсад, пойтахтда яшаётган, республиканинг барча ҳудудларидан келиб таҳсил олаётган, ишлаётган ва ижод қилаётган эркин фикрли ёшларни Ватан тараққиёти йўлида бирлаштириб, уларни сиёсий онгини янада ўстириш, фикрлаш доирасини янада кенгайтириш, ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

Байрам тадбирида клубнинг энг фаол, изланувчан ва ташаббускор аъзолари Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ, “Туркистон-пресс”.**

ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ОБОД ҚИЛАЙЛИК

*Қарор ва ижро*

# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

**Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан пойтахтимиздаги кўп қаватли турар жой биноларида ҳам уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилди.**

Ана шу ширкатларга бирлашган айрим хонадон эгаларида мулкка муносабатни ўзгартиришга муваффақ бўлинди, лекин кўпчилигида кўзланган мақсадга эришилмади. Шу сабабли ҳам кейинги пайтларда кўп қаватли уйлар хонадонларида намунали коммунал хизматлардан фойдаланиш жиддий муаммога айланди. Негаки уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш жараёни ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишга юзаки қаралаётган жойлар ҳам оз эмасди. Баъзи ширкатлар тасодифий, коммунал соҳадан умуман хабари йўқ кишилар ихтиёрига топширилиши ҳам соҳа ривожига катта тўсиқлардан бирига айланди. Хизмат кўрсатиш сифати пасайди, уйларнинг ҳолати ёмон аҳволга тушди, шикоят ва аризалар авж олди.

— Шу боис ҳам Президентимизнинг яқинда чиққан “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, — дейди Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси уй-жой фонди ва муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Абдували Қосимов, — айни муддао бўлиб, муаммолар ечимини топишда, камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи, эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадини кўзда тутган ушбу Қарор асосида тузилаётган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмалари олдига эса ана шундай муҳим муаммоларни бартараф этиш баробарида уй-жойлардан фойдаланиш, кўп қаватли биноларнинг ҳовлилари, уларнинг атрофидаги ҳудудлар техник ва санитария ҳолатини назорат қилиш, уларни кузги-қишки мавсумга тайёрлаш, ширкатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, уларнинг кадр ва раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳамда бир маромдаги фаолиятини таъминлашда давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаш вазифалари қўйилган.



**— Нима учун ҳозирда фаолият кўрсатаётган ширкатлар ўзини окламади?**

— Шаҳримизда 9167 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, улар 397 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига бирлашган эди. Ўрта ҳисобда ҳар бир ширкатга 23 та уй тўғри келсада амалда айрим ширкатлар тасарруфида 30 та, ҳатто 40 тадан ортиқ кўп қаватли бинолар бор эди. Бу, албатта, ширкат раҳбари учун ҳам, ходимларга ҳам ҳар бир уй ҳолатини билишда, керакли хизматларни кўрсатишда ноқулайликлар туғдирарди. Бунинг устига ширкат раҳбарларини сайлашда эътиборсизлик бўлиб, кўпчилик ширкатларга умуман коммунал соҳасидан бехабар, тасодифий кишилар келиб қолганди. Ҳаттоки, шифокор, мусиқа ўқитувчиси, ҳайдовчи ҳам раҳбарликка сайланганди. Ахир соҳани тушунмаса, қандай иш олиб боради? У токи тушуниб олгунча, уйларнинг ҳолати янада ёмонлашади. Шу боис ҳам хонадон эгаларининг ушбу эски ЖЭК тизимида ишлаётган ширкатларга ишончи йўқолиб, уларнинг ҳам мулкка муносабатлари ўзгармаяпти. Бунинг устига аҳоли ўзи тўлаган пулининг қаерга сарфланаётгани ҳақида ахборот ололмайди.



**— Айни кунларда пойтахтимиз туманларида ташкил этилаётган ширкатлар нечта кўп қаватли бинони қамраб олмоқда?**

— Қарорда таъкидланганидек, айни пайтда пойтахтимиз туманларида битта уй-жой мулкдорлари ширкатларига бирлашадиган уйлар сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишлари ўтказилиб 10 ва 12 та уйлардан иборат ширкатлар тузилмоқда. Бунинг учун махсус комиссия тузилиб, ҳар бир уй хатлаб чиқилди, нима қилиш лозимлиги аниқланмоқда. Қарор ижроси юзасидан ҳар бир туманда йиғилиш ўтказилди. 500-600 хонадондан иборат бўлган ушбу ширкат ҳар томонлама қулай бўлиб, тўпланадиган маблағ ҳам 10-12 йил ичида навбати билан уйларни капитал таъмирлашга, ҳолатини сақлашга етади. Бунда ширкат раҳбарининг ҳар бир хонадонга кириб боришга имконияти бўлади. Шу тариқа шаҳримизда 800 дан зиёд уй-жой мулкдорлари ширкатини тузиш режаланган.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш ўринлики, хонадон эгалари ҳам айни ширкатлар тузилаётган пайтда фаолликни қўлга олишлари керак, ўзлари кўрсатаётган номзодларини билимлари, масъулияти, соҳадан хабардорлиги, ташаббускорлигига аҳамият қаратишлари керак.

Танланган ана шу 3 та номзоддан бири, яъни ҳокимиятда суҳбатдан муваффақиятли ўтган, барча талабга жавоб бера оладигани ўз вазифасини эгаллайди. Бу, албатта муносиб раҳбарни сайлашда муҳим аҳамият касб этади.

**— Пойтахтимизда ширкатлар сони 3 бараварга ортиши кўзда тутилган экан, унинг раҳбарлари, кадрларини тайёрлаш қандай бўлади?**

— Албатта, бу ҳақда юқоридаги Қарорнинг 6-бандида ҳам тўхталинган бўлиб, раҳбар ходимларни ўқитиш, малакасини оширишга алоҳида эътибор билан ёндошилади. Бирлашмамиз қошида ҳам тасдиқланган режа асосида махсус курслар фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитиш ва қайта ўқитиш ишлари доимий давом этиб, ҳар бир ширкат раҳбари қатнашиши ташкил этилади. Шунингдек, ширкат фаоллари, уй бошқарувчилари, ҳисобчи ва юристлар ҳам ушбу ўқув курсларида малака оширадилар. 40 соатлик ўқув курсида назарий билимлар мустаҳкамланади. Ширкат раҳбарлари ўзларининг олдида турган вазифаларини янада аниқ белгилаб олишади.

Президентимиз ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволдалигини кескин танқид қилиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари соҳадан бехабар, тасодифий кишиларга топшириб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу боис ҳам бугун қайта ташкил этилаётган ширкатларга сайланадиган раҳбарлар ўта масъулият билан танланиши ва керак бўлса билимларини оширишни таъминлаш лозим. Сирасини айтганда, “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” нақлига амал қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Албатта, эндиликда Қарор ижросини таъминлашга, коммунал соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишга муҳим ҳисса қўшадиган уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этишга жиддий ёндошмоқ лозимки, бу созадаги аҳволнинг ўнгланишида муҳим ҳисса бўлади. Бу борада масъул раҳбарларнинг ҳам, хонадон эгаларининг ҳам зиммаларига катта масъулият юкланган. Ана шу масъулият қай даражада чуқур ҳис этилса, кўзланган мақсадга эришиш ҳам осон бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**



*Аччиқ, аммо очиқ гап*

# БУ УЙЛАР КИМНИКИ?

**Баъзида ўз зиммасига юклатилган масъулиятни унутаёзган айрим кишилар йўл қўйган хатоларини тан олгиси келмай турли сабаблар билан ўзини оқлайди ва шу йўсинда вазиятни силлиқлаштиришга ҳаракат қилади. Бироқ барча нарсадан устун бўлган ўзгаларнинг ишончни йўқотиб қўяётганликларидан улар наҳотки чўчимайди?...**

Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси билан туташган Кичик ҳалқа йўли йўналишидаги 1, 3, 5 кўп қаватли уйларга борганимизда ёмғир ёғаётган, кун совуқ эди. Бу уйларнинг кўча томондан кўриниши бироз «пардоз»ланган бўлсада, лекин ҳовлидан қараганда кўримсиз аҳволда эди. Пойдеворларининг «белигача» зах тортиб кетган. Ҳар қадамдаги ўнқир-чўнқирликларда қор-ёғингарчиликлар оқибатида кўлмак тўпланиб қолган... Ўтган асрнинг ўрталарида бунёд этилган бу турар жойларнинг эгалари бормикан деган хаёл билан 5-уй ичкарисига юзландик. Бироз ҳаяжон билан биринчи қўнғироқ тугмачасини босган эдик, хайрият, хонадон эгаси борлигидан кўнглимиз бироз ёришди. Аммо...

— 1969 йилдан буён шу уйда яшаб келаман, — дейди 5-уй, 16-хонадон эгаси Шарофат Шарипова. — Қарздан қўрқаман, шунинг учун коммунал тўловларини йил бошиданоқ тўлаб қўяман. Аммо баъзи муаммолар хонадонимизни тарк этмай қолди-да. Ёғингарчилик бошланиши билан ҳозир чакка ўтади, дея хавотирга тушаман. Йиллар давомида бу муаммонинг ечимини топиш истагида ширкатга мурожаат қилиб ҳеч бир натижа кўрмадим. Аксинча ёзма мурожаатларимга ширкатнинг йўллаган жавобларида қилинмаган ишлар бажарилди дейилиши кўнглимга қаттиқ ботди. Шунинг учун эндиликда, фойдаланиш хизмати тўловларини вақтида тўлайман-у, ширкатга тааллуқли бўлган муаммоларни ўзим ҳал қилишга ҳаракат қилаяпман. Бугунги давр талабига биноан ўзгага бекорга пул бериш ҳеч кимга ёқмайди. Афсуски, айрим хизматлар бозор иқтисодиёти шароитига мослашишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топишган ва бундан ҳеч ким ҳайиқмаслиги кишини ажаблантиради.

Бизни эса, қўшниларнинг гапи билан айтганда, бу тиниб-тинчимас аёлнинг шу кунларда ўз зиммасига олган галдаги саъй- ҳаракати ажаблантирди. Ҳовлидаги бир туп қари чинорнинг шохлари томнинг устига ёйилиб ўсгани туфайли электр симлари ҳам унга чалкашиб кетган. «Қаттиқроқ шамол эсадиган бўлса, хавотирга тушаман, - дейди Шарофат опа. - Оқибати кўпчиликка яхши аён, аммо ҳеч ким қайишмайди, ширкатга эса барибир. Шу боис ўзим тегишли ташкилотга мурожаат этмасам бўлмайди, шекилли....» Ҳа, агарда ҳамма ҳам Шарофат Шарипова каби шунчалик куюнчак бўлганда эди, дунё ташвишлари бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда битта икки қаватли уй-жойни эплашга эришиларди.

— Бир йил бўлди бу ерга кўчиб келганимга, — кўзида ёш тўла сўзини бошлади 3-уйда яшовчи Людмила Қувватова.— Келишимдан олдин хонадонимни тўлиқ таъмирдан чиқарган эдим. Айни дамда эски деворларни дарз кетганини кўриб, қилган харажатларимдан афсусдаман. Энг ташвишга солаётган нарса: — уй қисирлайди, назаримда, кундан-кунга чўкаётганга ўхшайди...

— Уй фойдаланишга топширилган дастлабки кунлардан буён шу ерда яшаймиз, - оғриниб гапга аралашди қўшни хонадон соҳибаси Антонина Федоровна. — Иккинчи қаватдаги хонадон қувуридан сизиб оқаётган сувнинг таъсирида бизнинг кириш эшигимиз очилиши қийинлашиб қолган. Ширкатга неча маротаба ёзма ҳам, оғзаки ҳам мурожаат қилдим, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Бундан ташқари, тарновларнинг йўқлиги туфайли ёғингарчилик пайтида томдан оқаётган сув деразага, сўнг деворга сачрайди. Кўриб турганингиздек, девор қопламаси кўчиб тушмоқда. Айтингчи, нима учун мен ширкатга пул тўлашим керак, қандай қилган хизматлари учун?..

Дарҳақиқат, ўша куни 5-уй йўлагидан кираётганимизда томдан чакка ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда яшовчи хонадон эгаларининг дарди-дунёси қоронғу бўлиб, ҳаммаси «Биримизга эмас, барчамизга тааллуқли бўлган муаммоларимизни кимга айтишни билмаймиз, ширкат эса фақат пул талаб қилиш билан овора, ахир у ўз ишига масъулият билан ёндошиб, хизматини аямаса, биз харажатдан қочмаймиз, лекин аслида бунинг акси эканлиги ҳаммага яхши маълум-ку...», деб бир гапни такрорлаши бежиз эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилиш мақсадида «Абдуғофур—коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ислом Шерниёзов билан суҳбатда бўлдик.

— 1958 йилда қад ростлаган бу бино ҳақиқатан ҳам тўлиқ таъмирталаб, - дейди ширкат раҳбари. - Бу ерга ишга келганимга олти ой ўтган бўлса, шу вақт давомида бирон маротоба юқорида қайд этилган уйлардан ёзма шикоят олганимиз йўқ. Хонадон эгалари шунча пайтдан бери бизга мурожаат қилмаган бўлса, уларнинг муаммосини қаердан биламан. Ахир «туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади» деган нақл бор. Уй эгаларини хавотирга солаётган ташвишлари бор экан, келишмайдими бизга...

Ҳа-я, хонадон эгалари ширкатга нафсини қондириш учун тамадди сўраб мурожаат этмаган бўлса-да, лекин ҳар ҳолда томдан чакка ўтмасин, носозликлар туфайли хавф-хатар чиқмасин қабилида иш тутаётгани фақат ўзларига фойда эканини биз ҳам ширкат раиси каби тушуниб етмабмиз. Қарангки, оқсоқол таъбирича, бу уй-жой ҳовлисида тартибсиз ўсаётган чинор Ободонлаштириш бош бошқармасига қарашлилиги туфайли, унга ишлов бериш йўли билан хавфсизлик борасидаги муаммони ечиш ёки уйлар деворлари ёрилиб бораётгани лойиҳа институтининг муаммоси боис бундай масалалар мутасадди ташкилотга ҳавола экан ва шахсан шу ерда истиқомат қилаётганлар ҳаракат қилишлари лозим эмиш. Ширкат раиси хонадон эгалари эътирозларига унчалик ҳам аҳамият бермади, аммо буларнинг барига қарздорлик асосий сабаб бўла олишини ишонч билан айтиб ўтди.

— Ширкат қамровида 17 та кўп қаватли уй бўлса, уларнинг 2,8 миллион қарзи бор, - деди И. Шерниёзов. - Шундан 1,1 миллион сўми айнан 1, 3, 5-уйларда истиқомат қилаётган хонадон эгаларига тегишли. Бошқа уйлардан тушган тўлов маблағлари ҳисобига уларнинг муаммосини ҳал қилиб беролмайман-ку...

Ҳамма ўзича тўғри йўл тутаяпман деб ўйлайди, аммо ишга келганда, сабаб ахтариб кетишини тушунолмайсан киши. Нима ҳам дердик. Лекин бугунги куннинг ёрқин нафаси эртами-кечми, албатта, оқни оққа, қорани қорага ажратиб қўйишига ишончимиз комил. Юқорида биз хонадонлар ва ширкат ўртасидаги «музокара»га асосий урғу бериб ўтдик холос ва бу билан кимнидир айблаб, ўзганинг ёнини олишни эп билмадик. Бизнинг ниятимиз холис, у ҳам бўлса ўз бўйнига масъулият олганлар ҳам, хонадон эгалари ҳам «Шу уй бизники, уни асраб-авайлаш бизнинг, ҳаммамизнинг бурчимиз» деган аниқ бир тўхтамга келишларига ишонч билдириб қоламиз. Лекин сўнгги нуқта ҳали қўйилгани йўқ.

**Шаҳло ҲОШИМОВА.**

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

*«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар*

## «БИЗДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА»

**Газетамизнинг 2005 йил 11 январь сонида «Биздан кетгунча, эгасига етгунча» сарлавҳали луқма эълон қилиниб, унда Собир Раҳимов туманидаги «Бўстон-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли, 34-уй хонадонларини иссиқлик билан таъминлашдаги қониқарсиз аҳвол ҳақида гапирилган эди. Ушбу танқидий чиқиш юзасидан «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси техник директори А.Валиев имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик.**

«Биздан кетгунча, эгасига етгунча» танқидий мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

— 2004-2005 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш иситиш мавсуми оралиғида амалга оширилган бўлиб, буни иситиш тик қувурларининг меъёрида иситаётганлигини тасдиқловчи, уйда яшовчилар томонидан имзоланган, иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш ва уйнинг иситиш тизимини ювиш ҳақидаги далолатномалар кўрсатиб турибди. Бирлашмамизнинг С.Раҳимов туман бошқармасида юқоридаги уй хонадонларининг ёмон иситилаётгани ҳақида ёзма ва оғзаки аризалар рўйхатга олинмаган. Уйнинг иситиш тизимини ва иссиқ сув таъминотини текшириш иссиқлик бўғинига иссиқлик ташиш муҳити белгиланган кўрсаткичларда берилаёттанлигини, иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти мавжудлигини кўрсатди.

Шу билан биргаликда шикоятнинг асосий сабаби, «Бўстон-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати ўтган йилнинг декабрь ойи бошида уй ертўласидаги ётиқ иситиш қувурида рўй берган авария муносабати билан, бирлашманинг туман бошқармасига хабар бермасдан 34-уйни иссиқликдан 6 кун муддатга ўчириб қўйган».

«Бўстон-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати мутасаддилари эса камчиликлар тугатилиб, барча уйларда иссиқлик ва иссиқ сув борлигини маълум қилган.

*Шахсий фикр*

## НЕЧТА БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандида битта уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш ҳақида ҳам алоҳида айтилган. Бу тўғрида пойтахтимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг фикри қандай?**

**● Абдулазиз ТУРОНХЎЖАЕВ, Ҳамза туманидаги «Меҳри турон» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Тўғрисини айтсам, бизнинг ширкатимизга ҳам 44 та кўп қаватли уй бириктирилган бўлиб, бу уларнинг ҳаммасини қамраб олишда, муаммоларини ечишда, йиғилишлар ўтказишда анчагина қийинчиликлар туғдирарди. Қанча ҳаракат қилмайлик, барибир муаммолар пайдо бўлар, ҳар бир хонадонга кириб бориш мушкул эди. Юқоридаги Қарор асосида ҳозирда ширкатимиздаги уйларнинг барчасида навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиб, 6 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил топди.

Бизнинг ширкатга 11 та уй бирлашди. Демак, ишларимиз 4 бараварга осонлашди. Менимча, уйлар қанча кам бўлса, уларнинг ҳолатини сақлаш, яшовчилар фикр-мулоҳазаларини эшитиб, муаммоларини ечиш шунча енгил бўлади.

**● Нина ТЮГАЙ, А.Икромов туманидаги «Файзлик» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Агарда имкони бўлса, битта кўп қаватли турар жой биносида битта ширкат ташкил топгани маъқул. Чунки, бунинг ўзига хос қулайликлари бор. Яъни, бу хонадонда яшовчилар билан яқин мулоқотда бўлишда, ҳар бир хонадонда яшовчиларни билишда муҳим аҳамият касб этиши баробарида, аҳоли ҳам тўлаётган пулларини фақат ўзларининг яхши яшашлари учун сарфланаётганини кўриб, билиб туради. 36 хонадон аҳли яшаётган 9 қаватли уйимизда бу тажриба амалда ўз исботини топмоқда.

*Дилдаги гаплар*

## ЗОРА ЯХШИЛАНСА

**● Маъфират ҚОЗОҚБОЕВА, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 40-«в»-уй, 27-хонадон эгаси:**

— Гоҳида кўп қаватли уйда яшаганимизга ҳам афсусланиб кетамиз Тўғри, баъзилар ҳавас қилишиб, «Барча шароитлар муҳайёку» дейишади. Лекин ўша шароиту қулайликлар сифатли бўлмаса ёки ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, нима дейсиз?

ЖЭКлар тугатилиб, «Ораз» ширкати ташкил этилганда қувонган эдик. Қопқоп ваъдаларга ишониб, ширкат вакили хонадонимизга келиб тутқазган дафтарча «розимиз» дея қўл қўйдик. Мана 4-5 йил ичида 3 марта ширкат раиси ўзгарди, лекин бирорта ижобий ўзгаришни сезмадик.

Бу йил қиши билан уйимизнинг баъзи хоналари исимади. Аввало ширкатга, сўнгра уларнинг тавсияси билан «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Миробод туман бўлимига мурожаат қилдик. Бўлимдагилар «ширкат аризангизга қўл қўйсин» деса, ширкатдагилар «улар ўз вакилини юборсин» дейишади. Шу билан бир қаторда иссиқлик тармоғи вакили келиб ҳақ тўлашимизни сўрайди. Ахир кўрсатилмаган хизмат учун нега ҳақ тўлашимиз керак? Бунинг устига айб кимдалигини ҳам билмаймиз, аризамиз аро йўлда сарсон...

Ширкатимизга 20 тадан зиёд турар-жой бинолари бирлашган. Бирор марта ширкат раисининг ҳолимиздан хабар олганини билмаймиз. Балки унинг вақти йўқдир, балки бепарволик қилаётгандир. Ўтган давр мобайнида ширкатнинг бирорта кўзга кўринарли ишининг гувоҳи бўлмадик. Йўлакларимиздаги чироқларнинг кўпи ёнмайди, кўп йиллардан буён йўлаклар таъмирсиз ётибди. Бир неча ойдирки, фаррош ҳам қорасини кўрсатмайди.

Яқинда ширкатлар қайта тузилар экан, уйларнинг сони камаярмиш, ишлар яхшиланармиш, деган гапни эшитиб қолдик. Қани энди қўшниларимиз бир ёқадан бош чиқаришсаю ширкат раҳбарлигига муносиб кишини сайласак, уйларимиз ҳолати яхшиланиб тўлаган пулларимиз ўзимизга ишлатилармиди?!

## УМИДИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚСА...

**●Ашибой РЎЗМЕТОВ, Ҳамза тумани, «Диёр» ширкатига қарашли 7-уй, 9-хонадон соҳиби:**

- Икки йилдан буён барча коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўлайману қиш мавсумида хонадонимда иссиқлик бўлмаслигидан азият чекаман. Ариза билан мурожаат қилсаm ширкатдагилар «Тошиссиққуввати» Ҳамза туман бўлими ходимларини айблашса, улар аксинча ширкатдагиларга айб қўйишади. Улар келишолмай ҳайрон, мен эса қиш совуғида оила аъзоларим билан яна дардимни кимга айтишни билмай сарсонман.

Агарда ширкат раҳбарлари ҳақ бўлишса, нима учун иссиқлик тармоқларидан аниқ жавоб, сифатли хизмат талаб қилишмайди, ўз ҳуқуқини, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилмайди? Шу ўринда яқинда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ўқиб мамнун бўлдим. Ушбу қарорда янги ташкил этиладиган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг қатор вазифалари сирасига ширкатлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш ҳам кириши алоҳида таъкидланган. Зора, қарор ижроси таъминланиб, тез орада умидларимиз рўёбга чиқса...

## ЎЗИМИЗ ҲАМ АЙБДОРМИЗ

**● Гуландом НИЁЗОВА, Мирзо Улуғбек туманидаги кўп қаватли уйда яшовчи хонадон эгаси:**

— Ширкатга ўз хоҳишимиз билан бирлашдикми, уйларимиздан фойдаланишда, авайлаб-асрашда фаолликни ҳам бўшаштирмаганимиз маъқул. Агарда яшовчиларда масъулият, талабчанлик бўлмаса, озчилик ширкат ходимлари кучи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳайрон қоламан, наҳотки ўз кучимиз билан қилинадиган орасталаш, йўлакларни таъмирлаш, гул ва кўчатлар экишни зиммамизга ололмасак. Мен ширкатлар битта ёки 2 та уйдан иборат қилиб тузилса маъқул бўларди деб ўйлайман. Раҳбарга ҳам ишлаш осон, қарзларни вақтида ундиришга ҳам қулай, қилинаётган ишлар ҳам кўзга кўринарди.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилона яшагандан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ортиқча меҳр қўйиш кўзни кўр, қулоқни кар қилади.

● Бир ҳакимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қуйиб қўйилган бўлса, унга мой қуйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир куни бир ҳакимдан:

— Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ботирлик тиғ бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиғсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиғ қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

● Бир ҳакимдан:

— Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларига жазоланадилар. Шу тариқа кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

● Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамагир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши ғазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда ғазабдан кучлироқ нарса йўқ. Ғазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган қуйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, топган емишини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхтатмай оғзига солаверади. Ваҳоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:

**Танпарварлик бўлса**
**доим хаёлинг,**
**Қачон сенга кулиб**
**боқади иқбол?**
**Гар гадосан гарчи**
**шоҳнинг лашкари,**
**Нафсинг орзусини**
**йўқотгил дарҳол.**

● Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўзига хиёнат қилган бўлади.

*Шеърият бўстони*

## КИТОБ

*Бир жавоҳир сандиқ,ичи сирри-синоатдир китоб,*
*Ўргатур илму одоб ҳикмат-ҳикоятдир китоб.*
*Ўтмишни билмоқ истасанг, беминнат дастёрдур ўзи,*
*Ҳақиқатнинг сувин ичган илдиз-ривоятдир китоб.*
*Мудом яхшиликдан сўзлар, эзгуликни мадҳ этиб,*
*Руҳинг ором топар ундан, суҳбат-ҳидоятдир китоб.*
*Ўтмиш билан келажакни боғлагувчи олтин кўприк,*
*Тирикликни улуғловчи неъмат—иноятдир китоб.*
*Ақлу идрок билан ўргансанг қуримас чашмадир ул,*
*Илм нурига йўғрилган тоат-ибодатдир китоб.*
*Ниятингга дўсту сирдош, дилга ором сабру бардош,*
*Бахт йўлига бошлагувчи иқбол, саодатдир китоб.*
*Кўнгли мудом Аллоҳ билан, қўллари меҳнатда боғлиқ,*
*Эътиқоди маҳкамларга турфа оятдир китоб.*
*Олтин-кумуш сариқ чақа, китоб сўзи бермаса ранг,*
*Ҳаётингнинг давомчиси-давлат зироатдир китоб.*
*Таскин-тасалли берувчи, тушкун руҳингга ошно,*
*Жон-жароҳатингга малҳам, бир табобатдир китоб.*
*Зиёлилар бирла баҳсда енгилмагайсан ҳаргиз,*
*Садоқатли дўст деб билсанг, битмас омаддир китоб.*
*Яратганга минг бор шукр, Машраб ҳануз китобга дўст,*
*Бахш этгани сенга қувват, қудрат, шижоатдир китоб.*

**Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.**

## РУБОИЙЛАР

*Насимам келди-ю, жон ола кетди,*
*Мўъжизам ўзинг деб, ён ола кетди.*
*Сувдонсиз чархпалак ҳасратин тўкиб,*
*Игна қанотларга дон ола кетди.*

* * *

*Чарх гардуннинг ўзи сазо, ўзи шоҳ,*
*Сув пастласа чархпалакда не гуноҳ,*
*Шамс бедор боқади, қиш чоғ, йироқлаб,*
*«Ўзинг мадад бер»—деб, ягона Оллоҳ.*

* * *

*Умрнинг бир фасли қор экан ажаб,*
*Иккинчи фасли-ку, бол экан ажаб.*
*Учинчи фаслида шамс-и анвардир,*
*Сўнгиси сиртмоқсиз дор экан, ажаб.*

* * *

*Совуқ забон тилдан, бўлди дилим лол*
*Қувалаб келарди, қўлида дазмол.*
*Ўз қалбин матоси ғижим-ку ахир,*
*Васлимни дазмоллаб қўймоқчи, Ағёр!*

* * *

*Кимда имкон бор-у, ижод йўқ эй чарх,*
*Кимда ижод бор-у, имкон йўқ, эй чарх,*
*Бири кам дунёси шу бўлса керак,*
*«Мукаммалман»—деган, инсон*
*йўқ, эй чарх.*

* * *

*Қуёшни инъом этган, фалак*
*бизга жаҳондир,*
*Тун фонуси тўлин ой, малак бизга*
*жаҳондир.*
*Жамисига ҳамоҳанг, жонга*
*жаҳон малҳами,*
*Самимий инсондаги юрак бизга жаҳондир.*

* * *

*Беш миллиард йил ўтиб ҳам,*
*қуёш бўлади,*
*Ўшал чоғ ҳам, қувонч-у, кўз ёш бўлади.*
*«Ген» ҳужайра ўзгариб, ҳур тортиб шакл,*
*Ўзга мавжуд оламлар, йўлдош бўлади.*

**Турсун МУҲАММАД**

## ЭГМА БОШ

*Буюкман деб*
*бўй чўзган,*
*Виқор билан*
*сўз тузган,*
*Бежо сўзлаб*
*дил бузган*
*Бедавога эгма бош.*

*Беҳуда қайнаб тошган,*
*Бесамар елиб шошган,*
*Ақлу ҳушдан адашган,*
*Бевафога эгма бош.*

*Хушомадга берилган,*
*Давраларда керилган,*
*Хом сут эмиб*
*семирган,*
*Аждаҳога эгма бош.*

*Илон ёғин ялаган,*
*Муҳтожларни талаган,*
*Дунёга ўт қалаган,*
*Баднамога эгма бош.*

*Бад ният-ла тўн*
*бичган,*
*Савоб ишдан воз*
*кечган,*
*Дўстингман деб*
*онт ичган,*
*Ноошнога эгма бош.*

*Одамлар бор дунёда,*
*Дардинг қилур зиёда,*
*Йўл кўрсатса саҳрода*
*«Бенавога» эгма бош.*

*Ҳақ йўлидир*
*дур-гавҳар,*
*Умр ўтар муқаррар,*
*Дўстим, сохта,*
*бесамар,*
*Пуч даъвога эгма бош.*

**Забихилло НУРИЛЛО**

*Тадбирлар*

## ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

**Жанубий Корея олимлари томонидан яратилган янги экологик дастур эндиликда Ўзбекистонда ҳам ўзига кенг йўл топди. Мазкур дастурда юзага келаётган турли экологик муаммолар ечими ўз ифодасини топган. Айниқса, экологиянинг антропоген олами билан боғлиқ тушунчалар ҳақидаги маълумотлар эътиборни ўзига тортади.**

Ушбу дастур билан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари ҳам яқиндан танишдилар. Жанубий Кореялик эколог олимлар вакиллари янги дастурнинг моҳияти ҳамда унинг муҳим томонлари ҳақида гапириб бердилар. Мулоқот чоғида экологик технологиялар ҳақида ҳикоя қилувчи видеотасвирлар намойиш қилинди.

**Анвар АЛИБОЕВ**



Эзгулик сари интилай десангиз кўчат экиб, боғ яратинг.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

*Санъат*

## ЯНГИ ИЖОД НАМУНАСИ

**Бадиий ва гўзал Тошкентга бағишлаб қатор фильмлар яратилган. “Аср охири. Тошкент” деб номланган публицистик ҳужжатли экран асари ҳам кўҳна шаҳримиз йилномасини ўзида акс эттирувчи яхши ижод намунаси деб баҳоланди.**

Голландия телевидениеси буюртмаси билан постановка қилинган фильм сценарийси Тошкентдаги “Илҳом” театр-студиясининг бадиий раҳбари Марк Вайл томонидан ёзилди. Уни экранлаштиришда режиссёрлар сифатида Ўзбекистон, Голландия ва Россия киносанъати усталари ижодий ҳамкорлик қилдилар.

“Аср охири. Тошкент” фильмида Ўзбекистон пойтахти тўғрисидаги афсоналар, унинг бугунги маданияти, кўҳна тарихи қизиқарли лавҳалар орқали талқин қилинади. Бунинг учун фильм ижодкорлари киноархив материаллари, донгдор кишиларнинг Тошкент ҳақидаги эсдаликларидан кенг фойдаландилар.

Бугунги Тошкент шаҳрининг ажойиб анъаналарини акс эттирувчи кинолавҳалар ҳам томошабинда яхши таассурот қолдиради.

**Аҳмад ВАҲОБОВ**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ ЗАРУР

**Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантириш учун рақобат муҳитини яратиш устувор мақсадимиз» мавзуида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида эркин мулоқот ўтказилди. Унда мазкур қўмита раҳбарлари иштирок этди.**

Қўмита раиси Жамшед Сайфиддинов янги ҳукумат аъзолари билан ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз томонидан қўмита олдига қўйилган вазифалар хусусида журналистларга гапириб берди. Эндиликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда, соғлом рақобат муҳитини яратишда қўмита ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиши лозим. Кичик бизнес вакилларининг мазкур даргоҳга мурожаат қилишлари учун шароит яратиб беришимиз керак, дея таъкидлади қўмита раиси. Соғлом рақобат муҳитини яратиш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Бу борада эса журналистлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган давр мобайнида монопол корхоналар сони олти мингтадан уч юз элликтага камайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи МТПлар олган ортиқча бир миллиард олти юз минг сўм фермерларга қайтариб берилди.

Қўмитада бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра рақобатни ҳимоялаш бош мақсад этиб белгиланди. Жойлардаги давлат ҳокимиятларининг монополияга қарши қонунбузарликлар бўйича жавобгарлиги оширилди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш кўзда тутилди.

Йиғинда қўмита билан журналистлар ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Танловлар*

# ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЧИҚДИ

**Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурининг ижроси йўлида маҳалла хотин-қизларининг фаоллиги сезиларли даражада ошиб бормоқда.**

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Фармон ижросини таъминлаш юзасидан нафақат хотин-қизлар қўмиталари, балки "Камолот" ЁИҲнинг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада "Камолот" ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ва унинг қошидаги "Маҳалла умидлари" маркази томонидан маҳалла хотин-қизлари ўртасида олиб борилаётган ишлар, маданий-маърифий тадбирлар диққатга сазовордир. Хусусан, "Яккасарой", Абдулла Қаҳҳор ва "Дамариқ" маҳаллаларида "Маҳалланинг намунали қизи" мавзуида ўтказилган кўрик-танлов ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлди.

— Ушбу кўрик-танлов шартларининг асосий ғояси қизларимизнинг маънавий гўзаллиги, меҳнатсеварлиги ва ақлий салоҳиятларини ошириш, истеъдодларини намоён қилиш, оилада маънавий ҳамда жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тушунчаларни тарғиб қилиш каби масалаларга бағишланган — дейди "Камолот" ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши раиси Мурод Атамуродов. — Биз мазкур танловда нафақат қизларимизнинг ўзлари томонидан фаолликнинг ошганлигини, балки уларнинг ота-оналари ва ака-укалари тарафидан ҳам ташаббуснинг ортганлигини кузатдик.

Бўлиб ўтган кўрик-танловда тумандаги 15 та маҳалланинг фаол қизлари иштирок этиб, барча қатнашчилар совғалар билан тақдирландилар. Хусусан, Юнус Ражабий маҳалласидан иштирок этган Одина Абдиева-финал босқичида ғолибликни қўлга киритиб, шаҳар босқичига йўл олди.

Дарҳақиқат, ўзбек қизларининг нафақат ташқи гўзаллиги, балки аёл учун энг муҳим ҳисобланган маънавий гўзаллиги, меҳнатсеварлиги, оқилалиги каби фазилатлари уларнинг келажакда яхши оила бекаси, меҳрибон она ва севимли ёр бўлиб етишишида катта аҳамият касб этади.

Айтиш лозимки, бундай самарали тадбирларнинг кейинчалик ҳам давом эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Дилором ДЎСМУҲАМЕДОВА**



Новдаларни безар ғунчалар...

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

9-синф битирувчиларини 2005-2006 ўқув йили учун 3-ойлик пуллик тайёрлов курсларига

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Манзилимиз: Чилонзор тумани, Д-20 даҳаси, Катта Қаъни кўчаси, 52-уй.

Транспорт: 17-трамвай, 69,94-автобусларнинг «Радиотехника коллежи» бекати.

9, 11, 54 маршрутларнинг охирги бекати.

Маълумот учун телефонлар: 116-76-16, 116-60-71

---

Тошкент Ахборотлаштириш телекоммуникациялари университети томонидан Султонмаҳмуд Султонмуродович Сидиқов номига берилган 20212-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Яккасарой тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси "Тоштўқимачи" Тиббий санитария қисми маъмурияти Тиббий санитария қисми бош шифокор ўринбосари Шухрида Салиховна Мўминовага онаси **Ноила ая МЎМИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Комфорт ЛТД» қўшма корхонаси ва «Комфорт элит» дўкони жамоаси «Комфорт элит» дўконининг собиқ директори **Лутфулла Хўжаевич БОБОХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомототранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.**

**2005 йил 15 март кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. "Ваз-21011" автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 17-81, бошланғич нархи 646 219 сўм, техник носоз;
2. "Ваз-2106" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Q 88-30, бошланғич нархи 426 144 сўм, техник носоз;
3. "Доган-С" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 С 35-48, бошланғич нархи 2 219 072 сўм; техник носоз;
4. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 28-92, бошланғич нархи 1 828 800 сўм, техник соз;
5. "Ваз-2101" автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 07-34, бошланғич нархи 742 000 сўм, техник носоз;
6. "Тико" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 172, бошланғич нархи 1 555 588 сўм, техник носоз;
7. "Беларусь-МТЗ-82" трактори, 1990йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-53 ЕЗ, бошланғич нархи 1 465 578 сўм, техник носоз;

**2005йил 5 апрель кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:**

1. "Газ-53" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
2. "Газ-3306" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
3. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 668, бошланғич нархи 1 121 200 сўм, техник носоз;
4. "БМВ-3-1" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 T 66-69, бошланғич нархи 641 500 сўм, техник носоз;
5. "Газ-2401" автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 K 04-52, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
6. "Уаз-31512" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 M 60-77, бошланғич нархи 241 815 сўм, техник носоз;
7. "Луаз-969М" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 620, бошланғич нархи 674 819 сўм, техник носоз;
8. "Газ-2411" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AO 276, бошланғич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
9. "Кавз-685" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 486, бошланғич нархи 2 266 608 сўм, техник соз;
10. "Каз-60882" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 144, бошланғич нархи 3 960 184 сўм, техник соз;
11. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 142, бошланғич нархи 2 588 053 сўм, техник соз;
12. "Газ-5204" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 337, бошланғич нархи 2 055 908 сўм, техник соз;
13. "Раф-2203" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 352, бошланғич нархи 1 692 061 сўм, техник носоз;
14. "ДЭУ-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 710, бошланғич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
15. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 638, бошланғич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз.

**2005 йил 6 апрель кунида қўйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:**

1. "Ваз-21063" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Е 16-26, бошланғич нархи 566 878 сўм, техник соз;
2. "Ваз-21099" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 77-85, бошланғич нархи 269 569 сўм, техник носоз;
3. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 302, бошланғич нархи 405 418 сўм, техник носоз;
4. "КРАЗ-257" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AQ 889, бошланғич нархи 1 717 450 сўм; техник соз;
5. "Зил-130" автомобили, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 293, бошланғич нархи 172 157 сўм, техник носоз;
6. "Камаз-5320" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AV 894, бошланғич нархи 3 190 715 сўм, техник носоз;
7. "Газ-24" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 498, бошланғич нархи 222 114 сўм, техник носоз;
8. "Краз-257" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 298, бошланғич нархи 1 907 445 сўм, техник носоз;
9. " Камаз-5410" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 292, бошланғич нархи 1 640 032 сўм, техник носоз.

**Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**

**Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3 уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

---

**«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил II чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

- шакар
- сариёғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2005 йил 29 март, соат 17-00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

- ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:
гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, ловия, мош;
- ёғдаги балиқ консервалари.

*Спорт*

## «АЛГОРИТМ» ҲОЗИРЧА ОЛДИНДА

**Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида бир ҳафта мобайнида қўл тўпи бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.**

Чемпионатда қатнашаётган олтита жамоа ўзаро учрашувлар ўтказиб, биринчи тур ғолибини аниқлашди. Шундай қилиб барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган шаҳримизнинг «Алгоритм» жамоаси ўн очко жамғаргани ҳолда турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда. Учинчи ўринда пойтахтнинг яна бир жамоаси — Ўзбекистон Миллий университети командаси бормоқда.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати командаси ҳозирча иккинчи ўринни банд этиб турибди.

Кейинги тур ўйинлари март ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

## ЁШЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

**Урганчда спортнинг авиамодел тури бўйича уч кун давомида Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

Турнирда 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва катталар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, ўсмирлар мусобақасида ҳурмат шоҳсупасининг барча поғоналарини фақат тошкентлик ёш авиамоделчилар забт этишди. — Бекзод Мансуров мамлакат чемпиони бўлган бўлса, Сардор Қурбонов ва Рустам Нуриевлар совринли ўринларни эгаллашди.

Катталар чемпионатида эса ҳамшаҳримиз Сардор Қурбонов учирган авиамодел 8 дақиқа 50 сония парвоз қилгани ҳолда мамлакатнинг янги рекорди ўрнатилди. Сардор эса Ўзбекистон чемпиони бўлди, ҳам спорт устаси талабларини бажарди.

Чемпионатда пойтахтимизнинг яна бир вакили спорт устаси Виктор Юндин бронза нишонининг соҳиби бўлди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам шаҳримиз вакиллари биринчи бўлишди. Самарқанд шаҳри авиамоделчилари иккинчи, пойтахт вилояти спортчилари эса учинчи ўринларни эгаллашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Болалар спорти*

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўтаётган йилимизнинг «Сиҳат-саломатлик йили» сифатида эътироф этилиши мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган хайрли ишларнинг янада юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Эндиликда қабул қилинган "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг бир қатор туманларида спорт тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.**

Ана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуасида ҳам бўлиб ўтди. Унда тумандаги ўн бешта касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган спортчи талабалар иштирок этишди. Спорт мусобақалари 3 та йўналиш волейбол, шашка, баскетбол турлари бўйича ўтказилди.

Айтиш керакки, ушбу спорт тадбирларининг ҳар томонлама қизиқарли ўтишида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши, шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Умид» Болалар спорт мажмуаси мутасаддилари бош-қош бўлдилар. Учрашувларда ҳар учала йўналишда қатнашаётган спортчиларнинг эришаётган имкониятларини тўғри баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг Муҳиддин Нурматов етакчилигидаги талаба-мураббийлари жалб этилди. Учрашувлар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилди.

Куни-кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган тадбирда ана шу спорт мусобақаларида алоҳида фаоллик кўрсатган талабаларга Фаҳрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

— Ушбу тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши спорт ва жисмоний тарбия соҳаси етакчиси Рустамбек Шоимқулов, — биринчидан, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури талаблари ижросини таъминлаш бўлса, иккинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг аксариятини спортга жалб этишга қаратилган ҳаракатларни янада юқори босқичга кўтаришдир.

Шундай қилиб спортнинг шашка, баскетбол, волейбол турлари бўйича ўз иқтидорларини намойиш қилган ғолиблар тақдирландилар. Жумладан, шашка бўйича ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги коллеж талабаси Камол Нуриддинов биринчиликни қўлга киритган бўлса, волейбол мусобақаларида ҳам айнан шу коллеж талабаларининг қўли баланд келди. Баскетбол соҳасида эса информатика коллежи талабалари ўз устунликларини намойиш этишди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда ғолиблар қуйидагича: волейбол баҳсларида Тошкент ахборот технологиялари университети коллежи талабалари, шашка баҳсларида қурилиш, баскетболда эса машинасозлар коллежи талаба қизлари биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан жойларда турли хил анжуманлар, тадбирлар ва танловлар давом этмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида таъкидланишича, одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш вазифаси ҳам дастурнинг мақсадига киради.**

*Анжуманлар*

## ОИЛА ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташаббуси билан яқинда ушбу марказда Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб «Оила ва саломатлик фалсафаси» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда «Оила» марказининг вилоят ва туман бўлими раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари хотин-қизлар қўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, оилавий поликлиника шифокорлари, ёш олим ва аспирантлар иштирок этдилар. Семинарда А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг проректори,социология фанлари доктори,профессор М.Бекмуродов «Сиҳат-саломатлик фалсафаси», Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор В.Каримова «Оиладаги соғлом турмуш мезонлари», Акмал Икромов туманидаги 8-оилавий поликлиника бош шифокори М.Шаҳобова «Оилавий шифокорлик тизимида эришилган ютуқ ва муаммолар» мавзуларида маъруза қилдилар. Анжумандан кўзланган мақсад аввало халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигига эътибор, оилада тиббий маданиятни оширишдан иборатдир.

Баҳс-мунозаралар ва савол-жавоб тарзида ўтган мазкур анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Гулоором ҲАМИДОВА**

*Футбол*

## "ПАХТАКОР" — ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

**Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда "Пахтакор" клуби ҳамкорликларида олти жамоа иштирокида 22 февралдан бери ўтказилаётган "Тошкент халқаро турнири" айтиш жоизки, мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.**

Шуниси эътиборлики, Арманистоннинг "Пюник", Латвиянинг "Сконто" жамоалари, Беларус ёшлар, Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ҳамда мамлакатимизнинг икки етакчи клуби "Пахтакор" ва "Нефтчи" иштирокида ташкил этилган турнир қизиқарли, шиддатли, муросасиз баҳсларга бой кечди. Дарвоқе, турнир финалида "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоаларининг рақибларидан устун келиб ўзаро беллашганликлари юртимиз футболи ривожланаётганлигидан далолат беради.

**КЕЧА**

"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган мухлислар "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари иштирокидаги финал учрашувининг гувоҳига айланишди.

Айтиш жоизки, беш мартадан Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлган ҳар икки жамоа ўртасидаги баҳслар доимо муросасиз кечган. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Ҳар икки жамоа футболчилари майдонга фақат ғалаба иштиёқида тушганликларини исботлаб, ҳужумкор ўйин намойиш қилишди. Аммо, тажриба, маҳорат бобида пахтакорчиларнинг устунлиги ўйин давомида сезилиб турди. 27-дақиқада Анвар Солиев томонидан киритилган гол ўйин охиригача ягоналигича қолди ва "Пахтакор" "Тошкент халқаро турнири" ғолиблигини қўлга киритди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**



Изоҳга ҳожат йўқ.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5009 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109. 1 2 3 4 6